

VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР


2020 йилнинг январь-июнь ойларида ташқи савдо айланмаси 2 050,1 млн. АҚШ долларини ўсиш суръати 90,8 %, жумладан 721,0 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 75,9 %, 1329,1 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,6 % ташкил этди.

2020 йилнинг январь-июнь ойларида МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ dollari)


| | январь-июнь | | 2019 йил январь-июнга нисбатан % ҳисобида |
|------------------------------|---------------|---------------|---|
| | 2019 й. | 2020 й. | |
| Ташқи савдо айланмаси | 2258,4 | 2050,1 | 90,8 |
| <i>шу жумладан:</i> | | | |
| МДХ давлатлари | 995,2 | 950,2 | 95,5 |
| бошқа давлатлар | 1263,2 | 1099,9 | 87,1 |
| Экспорт | 949,8 | 721,0 | 75,9 |
| <i>шу жумладан:</i> | | | |
| МДХ давлатлари | 299,0 | 246,5 | 82,5 |
| бошқа давлатлар | 650,8 | 474,5 | 72,9 |
| Импорт | 1308,6 | 1329,1 | 101,6 |
| <i>шу жумладан:</i> | | | |
| МДХ давлатлари | 696,2 | 703,7 | 101,1 |
| бошқа давлатлар | 612,4 | 625,4 | 102,1 |

**Вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ
ва бошқа давлатларнинг улуши, %да**

2019йил январь-июнь



2020йил январь-июнь



2020 йилнинг январь-июнь ойларида вилоят экспорт-импорти таркиби

| | <i>Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, % ҳисобида</i> | | <i>Ҳажмидаги ўзгариш, % ҳисобида</i> |
|--|---|-----------------------------|--|
| | <i>2019 йил январь-июнь</i> | <i>2020 йил январь-июнь</i> | <i>2019 йил январь-июнга нисбатан % ҳисобида</i> |
| Экспорт таркиби | 100,0 | 100,0 | 75,9 |
| озик-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар | 8,9 | 13,5 | 114,7 |
| Ичимликлар ва tatakі | 0,2 | 0,2 | 75,9 |
| Ноозик-овқат хом-ашёси (ёқилғидан ташқари) | 16,1 | 5,9 | 27,6 |
| Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар | 0,0 | 0,1 | - |
| Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар | 1,4 | 3,0 | 163,6 |
| Саноат товарлари | 66,4 | 67,6 | 77,3 |
| Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари | 2,3 | 2,1 | 68,0 |
| Турли хил тайёр буюмлар | 4,0 | 7,0 | 132,5 |
| Хизматлар | 0,6 | 0,6 | 74,1 |
| Импорт таркиби | 100,0 | 100,0 | 101,6 |
| озик-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар | 14,1 | 12,2 | 88,2 |
| Ичимликлар ва tatakі | 0,1 | 0,2 | 225,5 |
| Ноозик-овқат хом-ашёси (ёқилғидан ташқари) | 19,9 | 17,4 | 89,2 |


| | <i>Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, % ҳисобида</i> | | <i>Ҳажмидаги ўзгариш, % ҳисобида</i> |
|--|---|-----------------------------|--|
| | <i>2019 йил январь-июнь</i> | <i>2020 йил январь-июнь</i> | <i>2019 йил январь-июнга нисбатан % ҳисобида</i> |
| Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шу каби материаллар | 1,3 | 4,4 | 348,6 |
| Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар | 3,5 | 3,1 | 91,3 |
| Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар | 6,8 | 6,8 | 102,4 |
| Саноат товарлари | 20,8 | 17,9 | 87,7 |
| Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари | 29,3 | 30,7 | 106,4 |
| Турли хил тайёр буюмлар | 2,7 | 4,9 | 186,1 |
| Бошқа турдаги товарлар | 0,6 | 0,6 | 110,9 |
| Хизматлар | 1,2 | 1,7 | 145,9 |

Экспорт таркибида товарлар 99,4 % улушига эга бўлиб, булар асосан саноат товарлари (67,6 %), озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар (13,5 %), турли хил тайёр буюмлар (7,0 %), ноозиқ-овқат хом-ашёси (ёқилғидан ташқари) (5,9 %), кимёвий воситалар ва шу каби маҳсулотлар (3,0 %) шунингдек, машина ва транспорт асбоб-ускуналари (2,1 %) гуруҳлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Товар ва хизматлар экспорти таркиби (млн.АҚШ доллари)

**2019 йил
январь-июнь**

**2020 йил
январь-июнь**




Импорт таркибида энг катта улуш машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари (30,7 %), саноат товарлари (17,9 %), ноозиқ-овқат хом-ашёси (ёқилғидан ташқари) (17,4 %), озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар (12,2 %) ҳамда кимёвий воситалар ва шу каби маҳсулотлар (6,8 %) ҳисобига тўғри келди.

Товар ва хизматлар импорти таркиби (млн.АҚШ доллари)

**2019 йил
январь-июнь**

**2020 йил
январь-июнь**




**2020 йилнинг январь-июнь ойларида вилоят ташқи савдо айланмасида
катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси**

| | <i>Вилоят товар айланмасида улуши, % ҳисобида</i> | <i>2019 йил январь-июнга нисбатан % ҳисобида</i> |
|----------------------------|---|--|
| Россия Федерацияси | 22,1 | 115,6 |
| Козоғистон | 17,8 | 79,4 |
| Хитой | 16,9 | 88,3 |
| Туркия | 14,0 | 73,9 |
| Корея Республикаси | 5,6 | 124,9 |
| Бирлашган Араб Амирликлари | 2,2 | 106,3 |
| Германия | 2,1 | 113,5 |
| Тожикистон | 1,9 | 109,8 |
| Афғонистон | 1,9 | 121,0 |
| Қирғизистон | 1,2 | 73,2 |
| Украина | 1,2 | 76,5 |
| Бразилия | 1,1 | 68,1 |
| Озарбайжон | 0,9 | 701,2 |
| Беларусь | 0,8 | 58,4 |
| Италия | 0,8 | 62,6 |
| Литва | 0,8 | 49,2 |
| Хиндистон | 0,7 | 105,6 |
| Нидерландия | 0,7 | 97,7 |
| Ирландия | 0,7 | 4423 м. |
| Сингапур | 0,6 | 137,0 |
| Польша | 0,6 | 151,4 |
| Финляндия | 0,6 | 23,2 м. |
| Малайзия | 0,5 | 83,3 |
| Латвия | 0,5 | 79,6 |
| Эрон Ислом Республикаси | 0,4 | 51,6 |
| Туркманистон | 0,4 | 82,8 |
| Чехия | 0,3 | 172,7 |

Экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг асосий қисми Туркия, Хитой, Россия, Қозоғистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса умумий экспорт ҳажмининг 78,8 % ини ташкил қилади. Туркия, Россия, Қозоғистон ва Бирлашган Араб Амирликларига экспорт қилинаётган товарлар таркибига назар ташласак, асосан кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик хайвонлар гуруҳларидан иборат эканлигини кўришимиз мумкин.

2020 йил январь-июнь ойларида МДХ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби %да

Экспорт




Импорт



Вилоятда ташқи савдони қўллаб-қувватлаш ҳамда МДХ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида 2020 йил январь-июнь ойларида ташқи савдо айланмасида МДХ давлатларининг улуши 46,4 % ни ташкил этди ҳамда ташқи савдо айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 95,5 % ни ташкил этди.


Бошқа хорижий давлатларнинг вилоят ташқи савдо айланмасидаги улуши 2020 йилнинг январь-июнь ойларида 53,6 % ни ташкил қилган бўлса, 2019 йилнинг ушбу даврида эса ташқи савдо айланмасидаги улуши 55,9 % га тенг эди.

**Январь-июнь ойларида Тошкент вилоятининг кичик бизнес
корхоналарининг ташқи савдо айланмаси**
(млн. АҚШ доллари)



Сўнги йилларда ҳукуматимиз томонидан саноат тузилмасини диверсификация қилиниши, экспортни қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада оширилиши натижасида вилоят ташқи савдо айланмасида кичик бизнес корхоналарининг улуши ошиб бормоқда.

**Хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган корхоналарнинг
худудлар бўйича тақсимланиши
(2020 йил 1 июль ҳолатига)**



Хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган корхоналар 2020 йил 1 июль ҳолатига таҳлил қилинганда вилоятда жами 1390 та корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан Зангиота (193 та), Қибрай (138 та), Юқоричирчик (115 та) туманларида, Ангрен (103 та), Чирчик шаҳарларида (83 та), Ўртачирчик (87 та), Тошкент (77 та), Янгийўл (78 та), Оҳангарон туманларида (77 та), Янгийўл шаҳрида (65 та), Бўстонлик туманида (55 та), Нурафшон (59 та), Оҳангарон (44 та), Олмалик шаҳарларида (47 та), Куйичирчик (43 та), Чиноз (24 та), Паркент туманларида (25 та), Бекобод шаҳрида (22 та), Пискент (20 та), Оққўрғон (12 та), Бекобод (11 та) ва Бўка туманларида (12 та) хорижий капитал иштирокидаги корхоналар рўйхатга олинган.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти

2020 йилнинг январь-июнь ойларида жами 139,1 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари 70,4 млн. АҚШ долларига экспорт қилинди (ўсиш суръати – 106,1 %). Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт таркибига қаралса, 2020 йилнинг январь-июнь ойларида 108,3 минг тоннадан кўпроқ сабзавотлар 38,4 млн. АҚШ долларига ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 57,3 минг тоннага кўп миқдорда экспорт қилинган.

Шунингдек, 25,6 минг тонна мева ва резаворлар 27,1 млн. АҚШ долларига экспорт қилинган бўлиб, экспорт ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 16,0 минг тоннага кўпроқдир.

2020 йил январь-июнь, млн. АҚШ доллари



Шуни айтиб ўтиш жоизки, вилоятнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, янги бозорларни ўзлаштириш натижасида мева-сабзавот маҳсулотларини, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва мевалар экспорт қилинмоқда. Жумладан, 2020 йилнинг январь-июнь ойларида мева-резаворлар ҳамда сабзавотлар экспорт ҳажми 65,5 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, умумий экспортдаги улуши 9,1 % ни ташкил этди.